

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019 Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАБАЖАНОВА УМИДА ТАЖИМУРАТОВНА

**БОЛАЛАРДАГИ АФФЕКТИВ-РЕСПИРАТОР ПАРОКСИЗМЛАРНИНГ
КЛИНИК-НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ**

14.00.13-Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Бабажанова Умида Тажимуратовна

Болалардаги аффектив-респиратор
пароксизмларнинг клиник-нейрофизиологик
хусусиятлари ва даволаш тактикаси масалалари..... 3

Бабажанова Умида Тажимуратовна

Клинико-нейрофизиологические особенности
аффективно-респираторных пароксизмов
у детей и вопросы тактики лечения..... 24

Babajanova Umida Tajimuratovna

Clinical-neurophysiological features of
affective-respiratory paroxysms in children
and issues of treatment tactics..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019 Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАБАЖАНОВА УМИДА ТАЖИМУРАТОВНА

**БОЛАЛАРДАГИ АФФЕКТИВ-РЕСПИРАТОР ПАРОКСИЗМЛАРНИНГ
КЛИНИК-НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ**

14.00.13-Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2466 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрик медицина институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdsi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидова Якутхон Набиевна,
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Чутко Леонид Семенович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Рахимбаева Гульнора Саттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44; e-mail: info@timpe.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44.

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А.Акилов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г.Гафуров,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Аффектив-респиратор пароксизм (АРП) ёш болалар ўртасида энг кўп кузатиладиган ноэпилептик пароксизмал ҳолатлар (НЭПХ) гуруҳига кириб, экзоген таъсир қилувчи омилларга жавобан онг ва ҳаракат фаоллиятининг қисқа муддатли бузилиши, ҳамда беихтиёр нафаснинг тўхташи билан тавсифланиб, бу хусусиятлар ҳақиқий эпилептик ҳолатларда ҳам кузатилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...эпилепсиянинг нотўғри ташхисоти бутун популяцияда 40 фоизни ташкил қилади»¹. АРПнинг долзарблиги унинг эпилептик хуружларга ўтиш хавфи юқорилиги ҳамда асаб-руҳий ривожланишига салбий таъсири билан белгиланади. НЭПХ билан касалланган беморларнинг клиник хусусиятларини, этиология, патогенез ва хавф омилларини аниқлаш, ташхислашнинг замонавий диагностик мезонларини ишлаб чиқиш, адекват консерватив давони тайинлаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш тиббиёт соҳасида долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болалик даври муаммоларини аниқлаш, уларни эрта ташхислаш ва даволаш тактикасига ёндашувнинг юқори самарадорлигига эришишга қаратилган илмий-тадқиқодлар амалга оширилмоқда. Бу борада болаларда учрайдиган аффектив-респиратор пароксизмларнинг сабаблари, хавф омилларини аниқлаш, касаллик замирида нейрорпсихологик, нейровегетатив дезадаптацияни бартараф этиш, касаллик келиб чиқишида биокимёвий бузилишларни аниқлаш, даволашга замонавий ва патогенетик жихатдан қиёсий ёндашиш билан фармакотерапиясини такомиллаштириш, ҳамда беморларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олишга қаратилган чораларни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. АРПнинг клиник-неврологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда биокимёвий жихатдан ёндашиш, барвақт ташхислашни оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва асоратларни олдини олишга қаратилган даволаш тизимини яратиш каби муаммоларни ҳал қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматини такомиллаштириш, жумладан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси сифат жиҳатидан яхшиланишига, касалликларни самарали даволаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «...тиббий ёрдам самарадорлигини, сифати ва фойдаланиш имкониятини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усулларини самарали моделларини жорий этиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу

¹OWH.World report on ageingand health: World health Organization 2016

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

вазифалар болаларда учрайдиган нозпилептик пароксизмал ҳолатларни эрта аниқлаш ва асоратларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам тўлақонлигини ошириш ва ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда, ҳаёт сифатини ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 20 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина олимларнинг асарлари юқори технологик тадқиқот усуллари ёрдамида аффеktiv-респиратор пароксизмлар ташхисини оптималлаштиришга бағишланган (Stephenson J.B.P., 2003; Khura D.S., Valencia I., Kruthiventi S., et al., 2006; Francis J., DiMario Jr., 2009). АРП ривожланиш сабаби номаълум, аммо ўзгарувчан пенетранс билан аутосома доминант типда наслийланиши аниқланган (Walsh M. et al., 2012). АРПнинг патогенезида вегетатив дисфункция, узунчоқ миёда миелинизациянинг кечикиши ва темир танқислиги анемияси бир нечта тадқиқотларда келтирилган (Olsen A.L., 2010; Kelly A.M., 2014; Porter C.J., 2016; Espinosa R.E., 2017). АРПли беморлар қон зардобидида селен ва супероксиддисмутаза камайганлиги ҳамда улар касаллик ривожланишида муҳим патогенетик омил эканлиги исботланган (Khaled Saad et al., 2014). Эпилептик ҳолатларнинг ривожланишида антиоксидант тизимнинг номутаносиблиги ва липидлар пероксидланишининг (ЛПО) роли аниқланган (Қодирова А.Ш., 2011). АРПнинг ҳаёт учун хавфли брадикардия ёки асистолия билан боғлиқ оғир узоқ муддатли хуружларини бартараф қилиш учун даволаш мақсадида юрак стимулятори имплантация қилинган (Kelly, 2001).

Фебрил ва афебрил тутқаноқли беморларда тутқаноқдан кейин мелатонин миқдорининг пасайганлиги аниқланган (Dabak et al., 2019). Мелатониннинг антиоксидант ва нейрометаболик хусусиятлари эпилепсия билан оғриган болаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган (Ross et al., 2018). Мелатониннинг проконвулсив таъсири пирамидал хужайралардаги ГАМК А

рецепторларини ингибирлаши аниқланган (Стюарт ва Люн, 2021). Эпилепсиянинг давосида 8 ойдан 18 ёшгача бўлган беморларда мелатониннинг комплекс давога қўшилиши талваса хуружларини камайтирганлиги исботланган (Hancock et al., 2005). Мелатониннинг эркин радикаллари (гидроксил радикаллари, водород пероксид, синглет кислород) потенциал терапевтик тозалаш воситаси ҳамда, кенг спектрли антиоксидант (антиоксидант йўллари фаоллаштириш; супероксиддисмутаза, каталаза, глутатионпероксидаза, глутатионредуктаза) сифатида хизмат қилиши исботланган (Wade A. G., 2010).

Ҳозирги кунда эрта ёшдаги болаларда аффектив-респиратор пароксизмлар учраш частотасининг юқорилигига қарамасдан патологиянинг биокимёвий ўзгаришлари ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлашга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан болаларда аффектив-респиратор пароксизмларнинг ривожланишида ҳавф омилларни аниқлаш, патогенетик, клиник-нейрофизиологик ҳамда нейровизуализацион хусусиятларини аниқлаш, диагностик мезонларини ишлаб чиқиш, АРП хуружларини бартараф қилиш, биокимёвий бузилишларни коррекция қилиш ва ушбу патология оқибатида келиб чиқувчи асоратларни олдини олиш, замонавий диагностик имкониятларидан фойдаланиш, самарали даво ва профилактик чораларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асаб касалликларнинг қон-томир, яллиғланиш, дегенератив ва наслий нерв мушак касалликларнинг патогенетик хусусиятлари» мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади АРПнинг клиник-нейрофизиологик ва патогенетик хусусиятларини аниқлаш, ташхисоти ва терапиясини оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёш болаларда аффектив-респиратор пароксизмларнинг ривожланишида преморбид омилларнинг ролини аниқлаш;

болаларда аффектив-респиратор пароксизмларнинг клиник-неврологик, нейропсихологик ва нейрофизиологик хусусиятларини қиёсий жихатдан баҳолаш;

болаларда аффектив-респиратор пароксизмларнинг патогенезида оксидловчи стресснинг ролини аниқлаш;

липид пероксидалниши ва антиоксидант тизим биомаркерларининг аффектив-респиратор пароксизмларни ташхислашда прогностик аҳамиятини аниқлаш;

антиоксидант терапия (мелатонин) самарадорлигини баҳолаш ва аффектив-респиратор пароксизмларнинг анъанавий терапиясига қўшимча сифатида хавфсизлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2022 йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида стационар ва амбулатор шароитда даволанган 3 ойликдан 3 ёшгача бўлган аффектив-респиратор пароксизм ташҳиси қўйилган 103 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини проспектив таҳлил маълумотлари, неврологик статусни комплекс текшируви, нейровизуализацион текширув натижалари, биокимёвий тадқиқотлар учун веноз қон зардоби ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида анамнестик ва клиник маълумотлар таҳлили, нейропсиходиагностик тестларни ўз ичига олувчи неврологик текширув, нейрофизиологик тадқиқотлар (ЭЭГ), нейровизуал тадқиқотлар (мия нейросонографияси), қон зардобидаги биокимёвий маркерларнинг таркиби (малон диалдегид (МДА) ва диен конъюгатлари (ДК), супероксиддисмутаза (СОД), глутатионпероксидаза, глутатионредуктаза, каталаза, цитохром-С ва азот оксиди (NO)) ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда аффектив-респиратор пароксизмларнинг неврологик хусусиятлари нерв тизимининг перинатал зарарланиши асорати ва темир танқислиги анемиясига боғлиқлиги исботланган;

илк бор болаларда аффектив-респиратор пароксизмлар ривожланишида липид пероксидланиш биомаркерларидан қон зардобида малон диалдегид ва диен конъюгатларининг кескин ошиши АРП талвасаларининг кучайишига ва кечишига таъсири аниқланган;

илк бор аффектив-респиратор пароксизмли беморлар қон зардобидаги антиоксидант тизим биомаркерларининг диагностик кўрсаткичлари (супероксиддисмутаза, глутатионпероксидаза, глутатионредуктаза, каталаза, цитохром-С ва азот оксидлари) болаларда эпилептик талвасалар ривожланишининг эрта башоратчилари сифатида аниқланган;

илк бор АРП давоси нейрометаболизмни яхшилаш мақсадида мелатонин қўллаш билан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

АРПда клиник лаборатория диагностикаси учун плазма ва эритроцитлар биомаркерларидан прогностик мезон сифатида баҳолаш тавсия қилинган;

АРПда оксидланиш тизимининг биомаркерларини аниқлашда олинган натижаларни талқин қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

АРПнинг асосий терапиясига антиоксидант терапия самарадорлигини ошириш ва «оксидант-антиоксидант» тизимидаги мувозанатни яхшилаш мақсадида мелатонинни қўшиш таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги барча рақамли маълумотларга замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий

маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти АРПнинг клиник-неврологик хусусиятлари оксидловчи стресснинг плазма ва эритроцитлар биомаркерлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш билан замонавий лабораторияларнинг диагностика имкониятларини баҳолашга ва даволаш самарадорлигини аниқлашга хизмат қилиши билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий лаборатор диагностик муолажаларни тадбиқ этиш орқали болаларда АРПни эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш имконини беради. АРПни даволашда патогенетик ёндашув клиник, неврологик ва нейрометаболик кўрсаткичларнинг яхшиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 29 майдаги 03/36-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2022 йил 30 сентябрдаги 03/1994-сонли хати юборилган.): биринчи илмий янгилик: болаларда аффектив-респиратор пароксизмларнинг неврологик хусусиятлари нерв тизимининг перинатал зарарланиши асорати ва темир танқислиги анемиясига боғлиқлиги исботланиб, бу ўз навбатида эрта туғилган чақалоқлар, кам тана вазни билан туғилган болалар, ҳомиладорлик пайтида камқонлик билан оғриган оналарнинг болалари, ҳомиладорликнинг тугаши хавфи бўлган, узоқ муддатли физиологик сариқлик ва темир танқислиги анемияси бўлган болаларни ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволашга патогенетик ёндашиш аффектив-респиратор пароксизмлар ривожланишининг олдини олишга ёрдам берган, ҳамда керакли даво муолажаларни кўрсата олган, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратларни камайтирганлиги Тошкент шаҳар 4-сон болалар клиник шифохонаси бўйича 09.11.2022 йилдаги 116-сонли далолатнома ҳамда «Реацентр-Тошкент» клиникаси бўйича 09.11.2022 йилдаги 27-сонли далолатнома билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган алгоритмлар ва комплекс ёндашувдан фойдаланиб, аффектив-респиратор пароксизмларни ташхислаш ва даволаш сифати яхшилаган ва пароксизмал ҳуружлар камайган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1) аффектив-респиратор пароксизмларнинг патогенезида нерв тизимининг перинатал даврда зарарланиши ҳамда темир танқислиги анемияси ётишини ҳисобга олиб, даволашга патогенетик ёндашиш касаллик ҳуружини ва асоратларини камайтирди, эпилептик тутқаноқ ривожланишининг олди олинди. 2) АРП бўлган беморларни таклиф қилинган алгоритм орқали даволаш шифохонада қолиш муддатини қисқартирган ва тўлов миқдорини 210 000 сўмга камайтирган. Хулоса: АРП бўлган болаларнинг неврологик

хусусиятларини эрта ташхиси ишлаб чиқилиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 54 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 18 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: иккинчи илмий янгилик: илк бор болаларда аффе́ктив-респиратор пароксизмлар ривожланишида липид пероксидланиш биомаркерларидан қон зардобидида малон диалдегид ва диен конъюгатларининг кескин ошиши АРП талвасаларининг кучайишига ва кечишига таъсири аниқланиб, бу ўз навбатида аффе́ктив-респиратор пароксизмли болаларнинг бош мия ҳужайраларининг зарарланишини кўрсатади. Қон зардобидида липид пероксидланиши натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар миқдорининг кўпайиши, яъни малон диалдегид ва диен конъюгатларнинг пароксизмал хуружларнинг кучайишига ва кечишига таъсири аниқлашга имкон берганлиги Тошкент шаҳар 4-сон болалар клиник шифохонаси бўйича 09.11.2022 йилдаги 116-сонли далолатнома ҳамда «Реацентр-Тошкент» клиникаси бўйича 09.11.2022 йилдаги 27-сонли далолатнома билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аффе́ктив-респиратор пароксизмли болаларнинг қон зардобидида липид пероксидланиши натижасида ҳосил бўлган малон диалдегид ва диен конъюгатларни эрта аниқлаш билан касалликнинг эпилептик талвасаларга айланиши бартараф қилинган. Нейрометаболик давони ўз вақтида тайинлаш орқали пароксизмал хуружлар камайган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: 1) касалликнинг эрта даврларида қон зардобидида малон диалдегид ва диен конъюгатларни аниқлаш касалликни ҳужайравий даражада ташхислашга ҳамда оғир асоратларни ривожланишининг олди олинди; 2) беморнинг шифохонада қолиш муддатини 10 кундан 7 кунгача қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори тахминан 210 минг сўмга камайтирган (РПМ нинг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 76.000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 150 000 сўм дори воситалари сарфланади); реабилитация харажатларини камайтирган (1 кунга ўртача реабилитация учун ишлатиладиган 35.000 сўм дори воситалари сарфланади). Хулоса: аффе́ктив-респиратор пароксизмли беморлар қон зардобидида оксидловчи стрессни кўрсатувчи липид пероксидланиш маҳсулотларини яъни малон диалдегид ва диен конъюгатларни аниқлаш бош миянинг қай даражада шикастланганлигини кўрсатди, бу билан касалликнинг асоратлари ривожланишини олдиндан башорат қилди. Бу биохимик текширув усули нейровизуал текширув усулларига нисбатан бош миядаги ўзгаришларни ҳужайравий даражада текшириш имконини берди. Бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 75 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 25 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: илк бор аффе́ктив-респиратор пароксизмли беморлар қон зардобидидаги антиоксидант тизим биомаркерларининг диагностик кўрсаткичлари (супероксиддисмутаза, глутатионпероксидаза,

глутатионредуктаза, каталаза, цитохром-С ва азот оксидлари) болаларда эпилептик талвасалар ривожланишининг эрта башоратчилари сифатида аниқланган; аффектив-респиратор пароксизмли беморларнинг қон зардобидида антиоксидант тизим биомаркерларининг (супероксиддисмутаза, глутатионпероксидаза, глутатионредуктаза, каталаза, цитохром-С ва азот оксидлари) диагностик кўрсаткичларини аниқлаш касалликнинг эпилептик талвасага айланишини башорат қилади, ва бош миёдаги биохимик ўзгаришларни ҳужайравий даражада ташхислаш имконини берганлиги Тошкент шаҳар 4-сон болалар клиник шифохонаси бўйича 09.11.2022 йилдаги 116-сонли далолатнома ҳамда «Реацентр-Тошкент» клиникаси бўйича 09.11.2022 йилдаги 27-сонли далолатнома билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аффектив-респиратор пароксизмли беморлар қон зардобидида оксидловчи стрессни кўрсатувчи антиоксидант тизим биомаркерларининг кўрсаткичлари супероксиддисмутаза, глутатионпероксидаза, глутатионредуктаза, каталаза, цитохром-С оксидаза даражаси пасайганлиги ва азот оксидлари даражаси ошганлиги аниқланган. Даволашдан олдин ва кейин антиоксидант тизимнинг биомаркерларини текшириш нейрометаболик давонинг самарадорлигини кўрсатди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Бош миёда ҳужайраларнинг ҳолатини қон зардобидидаги антиоксидант тизимни спектрофотометрик усул билан текшириб 150 000 сўм иқтисод қилинди. Нейровизуал текширувга қараганда бу усул билан бош миёдаги патологик жараёнларни ҳужайравий даражада аниқлаш имконини берган, ҳамда нейрометаболик давонинг самарадорлигини клиник ва лаборатор шароитда кузатиш имконини берган. Хулоса: аффектив-респиратор пароксизмли беморларда эпилепсияга олиб келувчи омилларни эрта бартараф этиш чора тадбирлари қўлланилиши натижасида беморнинг шифохонадаги қолиш муддатини 10 кундан 7 кунгача қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори тахминан 210 000 сўмга камайтирган;

тўртинчи илмий янгилик: илк бор АРП давоси нейрометаболизмни яхшилаш мақсадида мелатонин қўллаш билан такомиллаштирилиб, Тошкент шаҳар 4-сон болалар клиник шифохонаси бўйича 09.11.2022 йилдаги 116-сонли далолатнома ҳамда «Реацентр-Тошкент» клиникаси бўйича 09.11.2022 йилдаги 27-сонли далолатнома билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аффектив-респиратор пароксизмли беморлар қон зардобидида даво қўлланилишидан олдин антиоксидант тизим биомаркерларининг кўрсаткичлари супероксиддисмутаза, глутатионпероксидаза, глутатионредуктаза, каталаза, цитохром-С оксидаза даражаси пасайганлиги, азот оксидлари даражаси ошганлиги ва малон диалдегид, диен конъюгатлар даражаси ошганлиги аниқланган. Касалликни даволашда патогенетик ёндашганда антиоксидант тизим ферментларининг яққол ошганлиги, қон-томир биомаркерларидан азот оксидлари соғлом назорат даражасида пасайганлиги ва липид пероксидланиш маҳсулотларидан малон диалдегид, диен конъюгатлар даражаси назорат

гурухидаги кўрсаткичларга тенглашганлиги аниқланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1) аффектив-респиратор пароксизмли беморларни даволашда патогенетик ёндашиш пароксизмал хуружларни камайтирди, даво муддати қисқарди; 2) аффектив-респиратор пароксизмли беморларни даволашда нейрометаболизмни яхшилаш мақсадида мелатонин қўллаш асоратлар ривожланишини бартараф қилди; 3) антиконвульсив препаратларни қўллашга эҳтиёж туғилмади. Хулоса: касалликнинг эрта даврларида қон зардобида оксидловчи стресс маҳсулотларини аниқлаш даволашга патогенетик ёндашишни талаб қилади. Оксидловчи стресс биомаркерларининг ошишига сабаб бўлувчи омилларни бартараф қилиб, нейрометаболик препарат сифатида мелатонин қўлланилганда ҳамда соматик фон яхшиланилганда АРПнинг талваса хуружлари 70 (76,7%) камайганлиги аниқланди. Битта бемор учун патогенетик даво қўлланилганда даво муддати қисқарди, бюджет маблағларини 210 000 сўмга тежашга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 халқаро ва 3 республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигига ва заруратига асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аффектив-респиратор пароксизмлар: адабиётлар шархи**» деб номланган биринчи боби 5 та кичик бўлимдан иборат бўлиб унда адабиётлар шархи келтирилган. Шарҳда аффектив-респиратор пароксизмларнинг клиник муаммолари, тарқалиши, этиопатогенези, клиник кўринишлари, клиник баҳолашда нейрофизиологик маркерлар, АРП патогенезидаги нейрехимик механизмлар ва ташхислаш бўйича замонавий маълумотлар таҳлил қилинган. Замонавий тиббиётда баъзи тадқиқотларда

мелатониннинг оксидловчи стрессни камайтириш учун ишлатилиши, шунингдек, унинг метаболитлари барча ҳужайралардаги асосан ядро ва митохондриял ДНКни ҳимоя қилувчи кучли антиоксидантлар ва яллиғланишга қарши воситалар ролини ўйнаб, самарали радикал аксепторлар вазифасини бажариши тасвирланган.

Диссертациянинг «АРП билан касалланган болаларнинг клиник-нейрофизиологик хусусиятлари ва даволаш тактикаси бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида 2019-2022 йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида стационар ва амбулатор шароитда даволанган 3 ойликдан 36 ойгача (ўртача ёш $13,3 \pm 7,2$) бўлган 103 нафар АРП билан даволанган беморларнинг асосий текширув усуллари кўрсатилган. Назорат гуруҳи тадқиқот гуруҳи билан жинси ва ёши бўйича мос келадиган 20 нафар соғлом болалардан иборат бўлган. Беморларни тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Текширилган беморларнинг жинси, ёши ва типи бўйича тақсимланиши

Ёши	Жинси			
	Асосий гуруҳ n=103		Назорат гуруҳи n=20	
	Ўғил болалар	Қиз болалар	Ўғил болалар	Қиз болалар
3-12 ой	34	20	8	4
13-24 ой	21	9	1	2
25-36 ой	14	5	3	2
Жами:	69	34	12	8

Беморларда клиник (шикоятлари ва касаллик анамнези, соматик статуси ва коморбид ҳолат ўрганилган), неврологик (неврологик ҳолати, нерв-психодиагностик тест), невровизуализацион (нейросонография), электроэнцефалография, биохимик (спектрофотометрия) ва қўлланилган даволаш усули натижаларининг таҳлили учун статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили вариацион статистик усуллари ёрдамида амалга оширилган. Олинган ўлчовларни статистик аҳамиятини аниқлаш учун Стъюдент (t) мезони, ишончлилиқ даражаси (P)да фойдаланилган; фарқлар 95% ишонч оралиғида ($P \leq 0,05$) қабул қилинган.

Диссертациянинг «АРП ривожланишидаги этиопатогенетик омилларни таҳлил қилиш» деб номланган учинчи бобида беморларни текшириш натижалари келтирилган.

Акушерлик ва гинекологик анамнез маълумотларини таҳлил қилганда, аёлларда ҳомиладорлик 85,4% ҳолларда генитал ва экстрагенитал патология фонида кечган. Энг кенг тарқалган патологиялардан токсикоз (56,3%), ҳомиладорликни тўхтатиш таҳдиди (25,2%), анемия (85,4%), патологик ҳомиладорлик (44,6%), анамнезида ҳомиладорликнинг узилиши (34,9%) ва ҳомиладорлик даврида онанинг юқумли касалликлари (28,1%) аниқланган.

Тадқиқотда акушерлик ва гинекологик анамнезни фоизли ўрганиш шуни кўрсатадики, ижобий ҳомиладорлик ва туғиш жуда кам учраган.

Неонатал давр ўрганилганда, 85% болаларда марказий нерв тизимининг перинатал даврда гипоксия натижасида зарарланиши асоратлари (церебрал кўзгалувчанлиги синдроми, церебрал депрессияси синдроми, ҳаракат дистония синдроми, вегето-висцерал синдроми ва ликвор қон-томир дистензияси синдроми шаклида), 25% болаларда ҳомила ичи дистрофияси (гипотрофия), 28% ҳолатда перинатал (ҳомила ичи) инфекцияси ва 8% болада 1 ойгача сариқлик аниқланган.

Бизнинг тадқиқотларимиз натижасида АРП билан касалланган болаларнинг 90,2 фоизда соматик патология қайд этилган. Энг кўп кузатилган патология нафас олиш тизими, юрак-қон томир тизими ва ошқозон-ичак тракти патологияси ташкил қилган.

Беморларнинг 48,5 фоизда нафас олиш ва ЛОР аъзолари касалликлари аниқланган, улар орасида кўпинча бронхопневмония (беморларнинг 37,6%) ва ўткир риносинусит (беморларнинг 11,9%) қайд этилган.

Оила анамнезини ўрганаётганда биз АРПнинг ирсий мойиллигини ҳисобга олган ҳолда маълумот олганмиз, унда асосий гуруҳдаги болаларнинг 23 фоизда ирсийланиш ота томонига юкланганлиги аниқланган. Ирсийланишнинг 77 фоизи юкланмаган.

АРП ўзига хос хусусиятларга эга ва шунинг учун биз пароксизмларнинг бошланиши, табиати, кечиши, частотаси ва бу хуружларни кўзғатадиган омилларни батафсил ўрганиб чиқдик.

Анамнез маълумотларини ўрганишда 52,4% болаларда аффектив-респиратор пароксизмларнинг бошланиши 3-12 ойликга тўғри келди, 29,1% болаларда 13-24 ойлигида ва 18,4% болаларда 25-36 ойлигида содир бўлганлиги қайд этилди.

Тадқиқот ишида биз асосий гуруҳ болаларини пароксизмал ҳолатларнинг табиатига қараб қуйидаги шаклларга ажратдик. Жадвалдан кўриниб турибдики, АПРнинг цианотик шакли 45,6% болаларда, рангпар шакли 21,3% болаларда ва аралаш шакли 33,0% болаларда кўпроқ аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал.

Текширилаётган болаларда пароксизмал бузилишларнинг табиати

Пароксизмал бузилишларнинг тавсифи	n=103
Цианотик	47
Рангпар	22
Аралаш	34

АРП хуружларининг оғирлигига қараб беморлар 3 та кичик гуруҳга бўлинган (енгил-33%, ўртача-29,1%, оғир-19,4%).

Пароксизмал ҳодиса пайтида онгнинг бузилиши мавжудлигига қараб, барча АРПлар ҳам икки гуруҳга бўлинди (3-жадвал.).

3-жадвал.

Пароксизмал ҳолатларда онгнинг бузилишига қараб клиник хусусиятлари

	Цианотик n=47	Рангпар n=22	Аралаш n=34
Онгнинг бузилиши билан	13	6	4
Онгнинг бузилишисиз	34	16	30

АРП клиник кечиши қуйидагича намоён бўлди: юзнинг цианози (13 ҳолат) ёки рангпарлиги билан (6 ҳолат) бирга йиғлаш фонида қотиш ва/ёки «қотиб йиғлаш» ҳуружлари, сўнгра қисқа муддатли онг йўқотиши, баъзан қўл-оёқларнинг енгил титраши (6 ҳолатлар); йиғлаш ёки дистоник ҳолатлар, координациянинг бузилиши ва даврий қусиш билан бошнинг қисқа муддатли орқага эгилиши сифатида намоён бўлувчи пароксизм (10 та ҳолат); оёқ мушакларининг тоник таранглиги ортиши билан ичкарига бурилган ва/ёки кесишган, терлаган, баъзан нигоҳи битта жойга қараб қолган ва қисқа муддатли қотиб қолиш билан (18 ҳолат) намоён бўлувчи пароксизм; йиғлаш, "қотиб йиғлаш" фонида онгни йўқотмасдан, юзнинг цианози ёки рангпарлиги сўнгра тананинг ва / ёки оёқ-қўлларнинг тоник таранглиги ортиши билан намоён бўлувчи пароксизмлар (34 ҳолат) кузатилган.

46 болада (44,7%) эмоционал қўзғатувчи омиллардан ғазаб ва жахлдорлик; 39 болада (37,9%) оғриқ, инъекция, травма ташкил қилди. Камдан кам ҳолларда, яъни 18 (17,5%) болада қўрқув, хавотир экзоген стимул сифатида рол ўйнади. Кўпинча болаларда бир нечта қўзғатувчи омилларнинг комбинацияси қайд этилган.

Пароксизмларнинг частотаси кенг доирада ўзгариб турарди. Ҳуружларнинг такрорланишининг ўзгарувчанлиги ва уларнинг ўртача сонини олиш мақсадида, шартли кўрсатма сифатида бир ҳафталик муддат танланди. 26,2 фоиз болада ҳуружлар сони ҳафтасига 5 та, 20,4 фоиз болада ҳафтасига 3 та, қолган 53,4% болаларда ҳафтасига 1 та ҳуруж бўлган.

АРП билан оғриган беморларнинг клиник-неврологик хусусиятларини ўрганишда перинатал даврда Марказий асаб тизимининг шикастланишига хос синдромлар аниқланди. 12 болада АРПнинг цианотик шаклида нейро-рефлектор қўзғалувчанлигининг ошиши синдроми, АРП нинг аралаш шаклида церебрастеник синдром бир хил частотада аниқланди.

Асосий гуруҳдаги болаларнинг клиник ва неврологик текширувида қуйидаги неврологик белгилар аниқланди: 3 (2,9%) болада ғилайлик, 4 (3,9%) болада конвергенция бузилиши, 7 (6,8%) болада бурун-лаб бурмаларнинг силлиқланиши, 3 (2,9%) болада тилнинг енгил оғиши, 27 (26,2%) болада мушаклар гипотонияси, 23 (22,3%) болада мушаклар дистонияси, 16 (15,5%)

болада мушаклар гипертонияси, 36 (34,5%) болада чуқур пай рефлексларининг ошиши, 14 (13,6%) болада чуқур пай рефлексларнинг пасайиши, 9 (8,7%) болада Ромберг ҳолатининг беқарорлиги ва 65 (63,1%) болада уйқу бузилиши аниқланди.

Нейропсихологик баҳолаш когнитив, нутқ, перцептив ва психомотор кўрсаткичларни мианинг функционал ва таркибий ҳолатлари билан боғлаш учун бажарадиган батафсил тадқиқотдан иборат. Шу мақсадда Пантюхин Г. В., Печора К. Л., Фрухт Е. Л. (2007) усули ишлатилди.

Ҳаракат фаоллиги текширилганда (36,8%) болаларда (нозик ҳаракат кўникмалари), (26,2%) болаларда (йирик ҳаракат кўникмалар) 1 эпикриз даврга кечикиши кузатилди. Ушбу ҳаракат ривожланиши ҳиссий ривожланиш билан узвий боғлиқ бўлиб, у билан доимий ўзаро таъсирда ишлайди. Масалан, объектни қўлга олиш учун бола нигоҳини ва ушлашни мувофиқлаштириши керак. Асосий гуруҳ болаларининг (11,6%) ҳиссий ривожланишини ўрганилганда (визуал ва эшитиш реакцияси), таққослаш гуруҳи болаларига нисбатан 1 эпикриз даврга кечикиши аниқланди ($p>0,05$). Нутқ фаолиятини баҳолашда биз фаол нутқнинг унинг тушуниш қобилиятига нисбатан (33,9%) (15,5%) ($p>0,001$) кўпроқ бузилганлигини аниқладик. Ташхисда ижтимоий кўникмаларни эгаллаш, (25,2%) болаларда ўйнаш қобилиятини ривожлантириш таққослаш гуруҳи болаларига нисбатан 1 эпикриз даврга кечикиши билан шаклланди ($p>0,05$).

Ҳиссий доиранинг шаклланишини ўрганилганда, асосий гуруҳидаги кўрсаткичлар ҳам статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилди. Асосий гуруҳ болаларида таққослаш гуруҳидаги болаларга нисбатан салбий ҳис-туйғулар устунлик қилди ($p>0,05$).

Шундай қилиб, психодиагностик услуб бўйича текширув натижалари ҳиссий, нутқ ривожланишининг кечикиши ва нозик ҳаракат кўникмаларининг кечикишини кўрсатди.

Нейрофизиология соҳаси аффеktiv-респиратор пароксизмларнинг патогенезини ўрганишда давом этмоқда, лекин уларнинг Марказий асаб тизимининг ёшга боғлиқ хусусиятлари ва кўпроқ даражада ВНС функцияси билан сўзсиз боғлиқлигини таъкидлайди. АРПда вегетатив ҳолатнинг хусусиятларини ўрганиш кейинги даволашга чора тадбирларига ёрдам беради. Телт тести ёрдамида асосий гуруҳ болаларининг вегетатив реактивлигини баҳолашда қуйидагилар аниқланди: 35 (33,9%) болаларда гиперсимпатикотоник вегетатив реактивлик, 15 (14,5%) болаларда асимпатикотоник вегетатив реактивлик ва 50 (48,5%) болаларда нормотоник вегетатив реактивлик ва назорат гуруҳининг барча болаларида нормотоник вегетатив реактивлик аниқланди.

АРП билан касалланган болаларнинг 58,9 фоизда, НСГ маълумотларига кўра, турли хил бош мия зарарланишлари аниқланган. НСГ маълумотларига кўра энг кўп аниқланган ўзгаришлар: ташқи ёки ички мия ликвор бўшлиқларининг кенгайиши (36,8%), ён қоринчаларнинг ассимметрияси

(18,4%), ярим шар ёригининг кенгайиши (17,4%), мия моддасидаги субатрофик ўзгаришлар (15,5%) ва лентикүлостриал васкулопатия (1,9%).

ЭЭГ текширув натижалари АРП билан касалланган болаларнинг барча ёш гуруҳларида α -ритм частоталари сезиларли даражада пастлигини кўрсатди. А-ритмининг секин версияси: 4,5-7,13 Гц частотали ритмлар (ёшга қараб) даврий секин тўлқинлар билан аралаштирилган. А-ритмининг кейинги миқдорий хусусияти унинг амплитудаси бўлиб, у одатда тез-тез ўсиб боради ва камаяди. А-ритмининг амплитудаси ва унинг частотаси одатда мия ярим шарлари бўйлаб носимметрик кўринишда. Бироқ, α -ритмининг асимметрияси, барқарор, ҳар доим ҳам патологик эмас.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимизда АРП билан касалланган болаларда асимметрия 32% ($p=33$) қайд этилган. АРП билан касалланган болаларда марказ орқа ва пешона пушталарида β -ритмининг локализацияси 20,4% ни ташкил қилди ($p=21$). Асосан 12 (11,6%) болаларда марказий-тепа, 21 (20,4%) болаларда тепа-энса соҳаларида ифодаланган юқори амплитудали θ - ва δ -тўлқинларининг умумлаштирилган икки томонлама синхрон чакнашлари аниқланди. θ - ва δ -ритмларнинг частота бўйича, биз куйидаги натижаларни олдик: соғлом болалар, бу кўрсаткичлар мос равишда $4,73 \pm 0,16$ и $1,73 \pm 0,14$, ва АРПда мос равишда - $6,15 \pm 0,1$ и $2,2 \pm 0,12$ ташкил қилди.

Тадқиқотимизда биз пароксизмларнинг зўрайишига қараб ЭЭГ кўрсаткичларини баҳоладик. Пароксизмларнинг зўрайиши ва миянинг биоэлектрик фаоллиги кўрсаткичлари ўртасидаги муносабатни аниқладик. Шундай қилиб, АРПнинг енгил шакллари бўлган болаларнинг 14,5 фоизда нормал биоэлектрик кўрсаткич, болаларнинг 13,7 фоизда – миянинг ўзига хос бўлмаган ўрта тузилмалари дисфункцияси белгилари ва қолган 5,8% болаларда миянинг биоэлектрик фаоллиги α -ритм дезорганизация шаклидаги диффуз ўзгаришлар аниқланди.

АРПнинг оғир шакллари бўлган беморларнинг 34,5 фоизда миянинг биоэлектрик фаоллиги α -ритм дезорганизация шаклидаги диффуз ўзгаришлар, беморларнинг 9,7 фоизда – тез тебранишларнинг кучайиши, секин тўлқинларнинг пайдо бўлиши, зонал фарқларнинг йўқолиши белгилари аниқланди. Болаларнинг 1,9 фоизда миянинг биоэлектрик фаоллигида аниқ ўзгаришлар юз берди, бу ритмларнинг юқори амплитуда даражасида диффуз дезорганизацияси ёки пароксизмал фаоллик билан намоён бўлди.

Ўртача оғирликдаги АРП бўлган беморларнинг 14,1 фоизда ЭЭГда диффуз, ноаниқ ўзгаришлар қайд этилган, беморларнинг 5,82 фоизда α -ритм амплитудаси ва мунтазамлиги пасайган, беморларнинг 1,9 фоизда биопотенциалларнинг умумий тартибсизлиги ва доминант ритм йўқлиги кузатилган.

Диссертациясининг «АРП билан оғриган болаларда оксидловчи стресснинг биокимёвий биомаркерларининг қийматлари» деб номланган тўртинчи бобида қондаги оксидловчи ва антиоксидант тизимларнинг маркерлари кўрсаткичлари баҳоланди. Қон зардобининг оксидант-антиоксидант тизимини баҳолаш спектрофотометрик усул ёрдамида малон

диалдегид (МДА), диен конъюгатлари (ДК), супероксид дисмутаза (СОД), глутатион пероксидаза, глутатион редуктаза, каталаза, цитохром-С оксидаза ва азот оксиди (NO) даражаси бўйича амалга оширилган (Л. Р. Андреева ва бошқ., 1988; Дубинин Б. В. ва бошқалар, 1983)

АРП билан касалланган болаларда қон зардобидаги ЛПО жараёнларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, АРПнинг енгил кечишида МДА ва ДК даражалари назорат кўрсаткичлари даражасида ($p<0.01$), ўртача ва оғир клиник кечишидаги беморларда бу кўрсаткичлар назорат кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада юқори ($p<0.001$) қийматларни кўрсатди (4-жадвал.).

4-жадвал.

АРП билан оғриган беморларда қон плазмасида ЛПОнинг қиёсий кўрсаткичлари

Таҳлил қилинган болалар гуруҳлари	ЛПОнинг таҳлил қилинган кўрсаткичлари	
	МДА ммол/мл	ДК
Енгил АРП n= 34	3.09±0.4*	1.77±0.21**
Ўртача оғирАРП n= 30	3.14±0.05*	1.81±0.01*
Оғир АРП n=20	4.68±0.23***	1.95±0.08***
Назорат n=20	2.97±0.11*	1.65±0.04

* $P<0,01$; ** $P<0,03$; *** $P<0,001$; - назорат кўрсаткичлари билан фарқларнинг ишончлилиги.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, қон зардобида ЛПО маҳсулотларининг тўпланиши АРП ҳуружларининг оғирлик даражаси ошиши билан ортди ёки аксинча, қондаги ЛПО маҳсулотларининг кўпайиши ҳуружларни кучайтирди.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, АРПда МДА ва ДС концентрацияси ошди, бу маълум бўлганидек, липид пероксидланишининг маркери ҳисобланади. Липид пероксидланиш маҳсулотлари қон томир деворининг шикастланишига сабаб бўлиб, бу тўқималарда микроциркуляциянинг бузилишига олиб келиши мумкин.

АРП билан касалланган беморларнинг қон зардобидаги антиоксидант ҳимоя кўрсаткичлари ўрганилганда уларнинг пасайиши аниқланди (5-жадвал.). Шу билан бирга, асосий гуруҳ болаларидаги қон плазмасидаги АОТ параметрларининг таркиби АРП ҳуружлари ($p<0.01$) кучайиб бориши билан камайди.

5-жадвал.

АРП билан касалланган беморларда АОТнинг қиёсий кўрсаткичлари

Таҳлил қилинган болалар гуруҳлари	АОТнинг таҳлил қилинган кўрсаткичлари				
	Каталаза мк Кат/мг оқсил	Суперокси д дисмутаза ед./мг оқсил	Глютати онредукт аза мМ/мин гр оқсил	Глутатио нпероксид аза мМ/мин гр оқсил	Глутатио нтрансфе раза мМ/мин гр оқсил
Енгил АРП n= 34	39.11±0.09	10.03±0.1	1.63±0.5	1.90±0.2	3.33±0.1* *
Ўртача оғир АРП n= 30	38.98±1.01	9.9±0.4	1.59±1.03	1.88±0.6	2.78±0.8*
Оғир АРП n=20	36.48±1.72 *	9.53±0.42** *	1.35±0.04	1.84±0.02	2.33±0.11
Назорат n=20	43.42±2.77	12.32±0.27	1.78±0.02	2.06±0.05	3,75±0.18

*P<0,05; **P<0,01; ***P<0,001- назорат кўрсаткичлари билан фарқларнинг ишончлилиги.

Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, АРП билан оғриган беморларда қондаги АОТ ферментларининг таркиби камайган, ЛПО маҳсулотлари миқдори кўпайган, бу ҳужайра мембранасининг шикастланишини кўрсатмоқда.

Бу фактларни оксидловчи стресс маҳсулотлари мия ҳужайраларига зарар етказиши мумкинлиги билан изоҳлаш мумкин, бу эса пароксизмларнинг ривожланишига олиб келиши мумкин.

Тадқиқот давомида қон зардобидида цитохром-С-оксидаза даражаси АРП ривожланишини башорат қилишда диагностик аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. АРПнинг оғир шаклида цитохром-С-оксидаза миқдори унинг енгил шаклига нисбатан сезиларли даражада камайган ($p<0.01$) (6-жадвал.). Шунга асосланиб, цитохром-С-оксидаза даражасининг пасайиши ҳуружларни кучайтиради ва эпилептик пароксизмга олиб келиши мумкинлигини тахмин қилишимиз мумкин.

6-жадвал.

Соғлом болалар ва АРП билан оғриган беморларнинг қонидаги Цитохром-С-оксидаза ферменти фаоллигининг қиёсий кўрсаткичлари қиёсий жиҳатдан (ммоль/мг оқсили)

№	Таҳлил қилинган болалар гуруҳлари	n	ммоль/мг белок
1	Енгил АРП	34	1.65±0.2
2	Ўртача оғир АРП	30	1.45±0.12
3	Оғир АРП	20	1.33±0.04**
4	Назорат	20	1.78±0.02

